



ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Файзибоев Пирмамат Нормаматович
Самарқанд давлат тиббиёт университети
Гигиена кафедраси мудири т.ф.д. доцент

Нормаматова Шохсанам Жаҳонгир кизи
Тошкент давлат аграр университети
талабаси

Карабаев Азамат Худойбердиевич
Самарқанд давлат тиббиёт университети
Гигиена кафедраси магистри

Миртозаев Ислом Рўзимурот ўғли
Самарқанд давлат тиббиёт университети
Гигиена кафедраси магистри

Аннотация: Эхинококкоз - серьезное паразитарное заболевание, представляющее в настоящее время медицинскую проблему во многих странах мира, Отличается количеством больных и наличием эпидемических районов. В настоящее время, по данным Всемирной организации здравоохранения, всего за один год во всем мире заболевает 50 миллионов человек. люди умирают от различных болезней, из них 16 миллионов соответствует инфекционным и паразитарным заболеваниям.

Abstract: Echinococcosis is a serious parasitic disease that currently represents a medical problem in many countries of the world. It differs in the number of patients and the presence of epidemic areas. Currently, according to the World Health Organization, 50 million people worldwide fall ill in just one year. people die from various diseases, of which 16 million correspond to infectious and parasitic diseases.

Мавзунинг долзарблиги: Эхинококкоз оғир паразит касаллик бўлиб, хозирги вақтда дунёдаги кўплаб мамлакатларда тиббиёт муомоси бўлиб қолмоқда, беморларнинг сони ва эпидемик туманларнинг борлиги билан ажралиб туради. Эхинококкоз касаллигини майда лентасимон оқ рангли гижжанинг личинкаси келтириб чақирадиган паразитар касаллик бўлиб жигар, ўпка ва бошқа ички органларни жароҳатлайди.

Ҳозирги кунда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг берган маълумотларига кўра дунё бўйича бир йилда жами 50 млн. нафар инсонлар турли касалликлар билан касалланиб ўлмоқда, шундан 16 млн. юқумли ва паразитар касалликларга тўғри келади.

Паразитар касалликлар ичида эхинококкоз ҳозирда кам ўрганилган ва ташхис қўйиш қийин бўлган гелминтоз хисобланади.



Касалликнинг долзарблиги шундаки даволаш йўлини нотўғри қўйилганлиги, ташхиснинг қийинлиги ва оғир асоратлар юзага келиши билан тушинтирилади. Дунё бўйича умумий юкумли касалликлар ичида эхинококкоз касаллигининг тарқалганлиги 0,05% дан 1,5% гача ташкил қилади. Бу кўрсаткич географик-иқлим зоналарга ҳамда санитария хизмати ва аҳолининг турмуш маданиятига боғлиқ. Аҳолининг қатор гуруҳлари орасида касалликнинг юқори даражада тарқалганлиги (60-70%) уларни кўпгина бактериал ва вирусли инфекцияларга чидамлилигини пасайтиради, камқонлик ривожланишига шароит яратади, болалар ва ҳомиладорлар орасида овқатланишнинг тўлақонли бўлмаслигига олиб келади. Охириги йилларда Ўзбекистоннинг болалар (энтеробиоз, гименолепидоз) ва катта ёшдаги аҳолиси (аскаридоз, эхинококкоз, описторхоз, трихинеллез ва б.) орасида гижжа касаллиги билан оғриганлар сони кўпайиб бораётгани сабабли ушбу муаммо ўзининг долзарблигича сақланиб турибди.

Мақсад: Эхинококкоз касаллигини эпидемиологик хусусиятларини, профилактик чора – тадбирларни ўрганиш ва ушбу маълумотлар асосида касаллигини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва эпидемиологик назоратини такомиллаштириш. Эхинококкоз касаллигида эпидемиологик назорат тизимини ва профилактикасини такомиллаштириш натижасида касалланишнинг камайтиришга имкониятлар яратишдан иборат.

Тадқиқот натижалари: Эхинококкоз кўпгина ҳудудлар каби Ўзбекистонда ҳам ҳали ҳануз кенг тарқалган касаллик бўлиб қолмоқда. Кичик ва катта шохли хайвонларнинг 20-50% зарарловчи ушбу касаллик қишлоқ ҳўжалигига катта моддий зарар келтиради. Аммо энг асосийси эхинококкоз инсонлар учун жиддий касаллик бўлиб айниқса жигар ва ўпка органларини зарарлайди. Ўзбекистоннинг ўзида эхинококкоз бўйича йилига 1,5 мингдан ортиқ жарроҳлик амалиётлари ўтказилади. Жарроҳлик бўлимларига мурожаат қилувчиларнинг касалланиш даражаси ҳар йили 4-9 нафарга тўғри келади. Эхинококкоз касаллигининг оғир шакллари 25-40 % га етади. Эхинококкоз касаллигида қўзғатувчи 80% жигар ва ўпкани, камроқ ҳолларда бошқа органларни зарарлайди. Шуни ҳам такдлаб ўтиш жоизки, бу касалликда ўлим кўрсаткичи 2-5 % ни, операциядан кейинги асоратлар 20-30% ни ташкил этади.

Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда эхинококкоз билан касалланиш кўрсаткичлари 6% га етади. Ўзбекистон ҳудудида яшаётган ҳар 100 минг аҳоли орасида, эхинококкоз билан касалланган 4-9 та гача бемор



тўғри келар экан. 2000-йилда Республикада ушбу гелминтозлар билан касалланган 1435 нафар беморлар аниқланган. Республикада яшовчи 7842 киши оммавий тиббий кўрикдан ўтказилган, бунда хирург, терапевт ва рентгенологлар иштирок этганлар. Текширувда ҳаракатли флюорографик ва ултратовуш ускуналаридан фойдаланилган. Текширилганларнинг 60,4% аёллар, 39,4% эркаклар ташкил қилган. Текширилганлар орасида 158 киши (2%) ҳайвон билан мулоқатда бўлган кишилар. Текшириш натижасида 49 кишида эхинококкоз топилган, улардан 43 нафариди (88%) жигарда, 6 нафариди (12%) ўпкада эхинококк ривожланган. Биттали кисталар 43 нафар одамда (88%), кисталар сони иккита ва ундан кўп бўлгани 6 нафар одамда (12%) аниқланган. Эхинококкоз билан касалланишни ёшга нисбатан ажратиш шуни кўрсатадики, бу касаллик билан 50 ёшгача бўлган кишилар ва болалар касалланар экан, бу 78,8 %ни ташкил этади. Эркаклар ва аёллар деярли бир хил даражада касалланган.

Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳри ҳозирги кунларда Марказий Осиё миқёсида йирик мегаполис ҳисобланади. Расмий маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрига кунига 1 млн.дан зиёд кишилар саёҳат ёки тижорат мақсадида келиб кетадилар (2003). Шаҳардаги мавжуд йирик ишлаб чиқариш корхоналари теварак-атрофни экологик нуқтаи назардан доимий равишда ифлослантириб турибдилар. Айтиб ўтилган омиллар Тошкент шаҳрида юқумли ва паразитар касалликларнинг тарқалиши учун қулай шарт-шароитлар яратади

Хулоса: Эпидемиологик ва ветеринария назоратининг сусайиши, аҳолининг бу касалликнинг оқибатлари ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги касалланиш ҳолатларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

- Юқорида қайд қилинган маълумотлар эхинококкознинг замонавий эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш, эхинококкоз касаллиги диагностикасини самарадорлигини ошириш, синов тизимларини такомиллаштиришни тақозо қилади.
- Эхинококк билан зарарланган беморларда электролитлар ва ферментлар алмашинувидаги бузилишларнинг патологик жараённинг қайталаниш ҳолатларига боғлиқлигини аниқлаш мақсадида эхинококкозли беморларнинг қонини биокимёвий текшириш ҳамда эхинококкозни серологик ташхислашни такомиллаштириш мақсадида серологик ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш ишларини амалга ошириш.

Адабиётлар:



1. Даминова Н.М., Курбонов К.М. Ранние послеоперационные осложнения при эхинококкозе печени// Вестник хирургии имени И.И. Грекова. - 2008. - Т.167. - № 5. - С.68-70.
2. Абдиев Т.А., Вахабов Т.А., Журавлева Н.А. и др. Прогноз изменения ситуации по эхинококкозу среди населения в Узбекистане // Медицинская паразитология и паразитарные болезни. - 2000. - №3. - С.53-54
3. Normamatovich F. P. The value of confectionery products in human nutrition // Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022.- Т.3. - №. 4. – С.703-707.
4. Normamatovich F. P., Jurakulova R. D. The importance of the international hasp sistem in the production of quality and safe confectionery products // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. - №. 10. – С. 1184-1186.
5. П.Н Файзибоев. JUSTIFICATION OF THE USE OF THE INTERNATIONAL SYSTEM OF HACCP FOR THE PREVENTION OF BACTERIAL CONTAMINATION OF CONFECTIONERY // Новый день в медицине. –2019. –№. 2. –С. 310-312.
6. Fayziboev Pirmamat Normamatovich¹, Tukhtarov Bahrom Eshnazarovich² The biological diversity of the diet of children with dental caries MGA EUROPEAN JOURNAL OF MOLECULAR CLINICAL MEDICINE, p.3772-3785
7. Normamatovich F.P. et al. RATIONALE FOR THE APPLICATION OF THE HACCP SYSTEM IN THE PRODUCTION OF FUNCTIONAL FOOD PRODUCTS //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2021. – Т.3. – С.1535-1539.
8. Tukhtarov B. E. Abdumuminova R. ENVIRONMENTALLY FRIENDLY PRODUCT IS A PLEDGE OF OUR HEALTH! NBRSGGNFPN EUROPEAN JOURNAL OF MOLECULAR CLINICAL MEDICINE 2020 (07), 1329-1333
9. Normamatovich F. P., Sagatbaevich K.A., Chorshanbievich K.N. A PLACE IN THE NUTRITION OF THE POPULATION OF UZBEKISTAN FROM NATIONAL CONFECTIONERY, “NAVAT” // World Bulletin of Public Health. - 2022. – Т. 10. – С. 79-80.
10. Fayziboev, P.N. Justification of the use of the international sistem of HACCP for the prevention of bacterial contamination of confectionery / P.N. Fayziboev//New Day in Medicine. - 2019. – No. (26). – END GPRXUM.
11. Файзибоев П. Н. ОЦЕНКА БИОЛОГИЧЕСКОГО РАЗНООБРАЗИЯ РАЦИОНОВ ПИТАНИЯ ДЛЯ ДЕТЕЙ // Экономика и социум. –2021. –№. 10 (89). –С. 1131-1146.